



# ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (14.057)

Баҳоси эркин нарҳда

## МИЛЛИЙ БОҒ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛАНАДИ

Хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб адабиётга, маънавиятга алоҳида эътибор қаратмоқда. Соҳани ривожлантириш, маънавий ҳаётимизда ўнмас из қолдирган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш юзасидан қатор ташаббуслари нафақат адиб ва шоирларни, балки бутун халқимизни руҳлантирди.

Буни 2019 йил адоғида ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, пойтахтимизда унинг номида ижод мактаби ва музей, адибнинг муаззам ҳайкали очилганида ҳам кўра-миз. 2020 йил ҳам халқимиз, миллий адабиётимиз учун шундай хайрли ишлар билан бошланди. Давлатимиз раҳбари янги йил бошида Миллий боғдаги Адилбар хиёбонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи адабиёт ва маънавият боғига айланган ташаббус бундан уч йил илгари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. 2017 йил февраль ойидаги ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари мазкур боғни халқимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтирадиган, ёшларимизда Ватанга муҳаббат, адабиётимизга ҳурмат туйғусини камол топтирадиган чинакам ижод ва маънавият масканига айлантириш юзасидан тавсиялар берган эди.

Орадан кўп ўтмай, ўша йил 18 апрелда Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адилбар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор асосида боғ ҳудудида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошланди. Ўша йили декабрь ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари боғда барпо этилаётган Адилбар хиёбони лойиҳалари билан танишди, ижодкорлар учун барча шароит яратилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносини кўздан кечирди, ёзувчи ва шоирлар билан учрашиб, муҳим вазифаларни белгилла берди.

Шу асосда Адилбар хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари янги босқичга чиқди. Бу хиёбон Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий ансамбл ҳосил қилиши учун янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра, 8 гектардан зиёд ҳудуд ободонлаштирилиб, Алишер Навоий ҳайкалининг қайта ўрнатиш белгиланган.

Адилбар хиёбонида ўзбек адабиётининг маънавий-маърифий асоси сифатида етук адибларимиз ҳайкаларини ўрнатиш кўзда тутилган. Бу ерда Президентимиз гоёси асосида шу пайтга қадар ўрнатилган ҳайкаллар қаторидан Бобур, Оғажий, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Ҷўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби мундо адабиётимиз даргалари, шунингдек, Тўлепбергел Каипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари замонавий адабиётимиз вакилларининг ёдгорлик мажмуалари ўрнатилади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар қўринишига оид лойиҳалар билан танишди. Ҳайкаллар ёнида лавлар ўрнатиб ҳамда аудио-ёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказиш учун қўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали гўмбазини безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адилбар хиёбони ёнида Тошкент музейи ташкил этилади. Музей собиқ Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биносида фаолият бошлайди. Айни пайтда мазкур бинони реконструкция қилиш якунланмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали бўладиган мазкур музей Шош, Чоч, Бинкат, Бинокат каби ном-

лар билан аталган Тошкент шаҳрининг қадимги даврлардан то XVI асргача бўлган тарихини ўзига қамраб олади. Музейда Тошкент шаҳрининг тарихий даврлари ноёб экспонатлар, қimmatли манбалар ва кўргазмалари экспозициялар асосида ақ этирилади.

Жумладан, биринчи қаватда қадимий Тошкентнинг электрон макети жойлашади. Томошабин ушбу электрон макет орқали ўтмишда Тошкент қандай бўлгани, шаҳарнинг ривожланиш жараёнлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Иккинчи қаватдан турли даврларга хос экспозициялар ўрин олади.

Умуман ушбу музей нафақат юрдошларимиз, балки хорижий сайёҳлар учун қизиқarli бўлиб, янги туризм объекти сифатида халқимизнинг миллий ўзига ҳослигини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари музей концепциясига оид лойиҳалар билан танишиб, унинг мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича ўз фикрларини билдирди.

— Тошкент тарихи, бу ерлик аллолар мероси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу жой илмий асосланган, шаҳарнинг буюк ўтмишини ёшларга, меҳмонларга етказадиган маскан бўлиши керак, — деди Президент.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи негизда замонавий ва юқори технологияли маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилмақда.

Президентимиз истироҳат боғи қурилишини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик аънавалари ва замонавий шаҳарсозлик уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Лойиҳа Австралиянинг “Sanderson Group” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу компания дунёдаги энг замонавий элликдан ортиқ парк лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳани амалга ошириш жараёни ҳақида маълумот берилди.

Боғ ҳудуди 21 гектар бўлиб, бу ерда ҳақон архитектураси дурдоналари намуналари, амфитеатр ва мусиқали фаввора, аттракционлар, оилавий ҳордиқ учун бошқа объектлар, йирик савдо-кўнгличор марказ, қасрсарой кўринишидаги тантанали маросимлар жойи, болалар кафеси ва бошқа масканлар барпо этилиши мўлжалланган.

Худуд мусоффолигини таъминлаш мақсадида боққа қаштан, қарагай, япон софораси, магнолия, дуб, қайин каби ҳавони тозаловчи ва қисқорувчан бўйиштувчи дарахтлар, буталар экилади. 70 ва 100 йиллик дарахтлар сақланиб қолинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 сентябрдаги қарори асосида бунёдкорлик ишлари икки босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда 9 гектарда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилади. Замонавий океанариум, 650 ўринли амфитеатр, 57 метрли қаср, мусиқали фаввора, бинолар, ёпик оилавий кўнгличор марказ, кинотеатр, 600 ўринли автомобиллар тўхташ жойи қурилади.

Боғдаги энг ноёб иншоотлардан бири океанариумдир. Бу ерда сизими 1 миллион литргача бўлган 22 та аквариум бўлади. Океанариумда йигирмадан ортиқ турдаги ноёб балиқлар, денгиз жониворлари парваришланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, худуддаги биноларни қуришда Барселона, Париж, Москва, Лондон, Амстердам, Рим, Венеция, Прага, Вена, Берлин каби дунёга машҳур шаҳарлардаги архитектура намуналаридан фойдаланилди. Худудда ушбу шаҳарларнинг ўзига хос тамолари, ширинликлари тайёрланади ва шунга хос муҳит яратилади.

Иккинчи босқичда 12 гектар худудда аттракционлар, аквапарк ва сайлгоҳлар қурилади. Дунёга машҳур “Диснейленд” паркиннинг аттракционлари нусхаларидан фойдаланилади. Италия, Германия ва АҚШда ишлаб чиқарилган шундай энг замонавий аттракционлар кел-

тириб ўрнатилади. Миллий боғ худудидеги кўл ҳам реконструкция қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари истироҳат боғининг йил давомида ишлашини таъминлаш, одамлар оилавий дам олиши учун кенг имконият яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги қадимий обидалар макетини ўрнатиб, ёшлар ва сайёҳларнинг тарихимизга қизиқишини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши мазмунли маданий ҳордиқ чиқариши ташкил этиш ва одамларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишини таъминлайди. Тошкент шаҳрининг туристик жозибадорлигини оширади.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари билан мулоқот бўлди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар муҳоказма қилинди.

Мутасаддиларнинг 8 январь куни Давлат бюджетни параметрларини ижро этиш ва худудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан олган хулосалари, уларни таъминлаш бўйича режалари эшитилди.

Туман ҳокимлари инвестициялар жалб этиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш, тадбиркорларга муносив шароит яратиш, маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш ва одамларнинг даромадларини кўпайтириш йўлида доим изланиши зарурлиги қайд этилди.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қулайликларни ошириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сиёсатининг асоси бўлган халқ билан мулоқот тизими аҳоли манфаатларини таъминлаш, одамларнинг ҳаётга, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда.

Яқинда Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси 2-уйда янги Халқ қабулхонаси биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш учун хоналар, Давлат хизматлари маркази шохобчаси, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатувчи “Мадад” нодавлат-нотижорат ташкилоти бюроси, психолог, тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола хоналари, буфет, фуқаролар кутиш зали мавжуд. Бу ерда кунига 200 нафаргача муурожаатчини қабул қилиш мумкин.

Қабулхонада аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, муурожаатларни қўриб чиқиш учун замонавий шароитлар яратилган. Фуқароларга қулай бўлиши учун соҳавий бўлимлар ташкил этилган.

Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали 3 миллион 650 миңдан зиёд киши муурожаат қилгани жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда Халқ қабулхоналарининг аҳамияти нақадар юқори бўлаётганини кўрсатади. Мазкур муурожаатларнинг 2 миллионга яқини ҳал этилган, 1,5 миллион муурожаатчиға ҳуқуқий тушунириш берилган. Бундан ташқари, жойлардаги Халқ қабулхоналари томонидан сайёр қабулларда 1 миллион 700 миң фуқаро билан мулоқотлар ташкил этилган. Халқ қабулхоналари ва секторлар масбуллари уйма-уй юриши натижасида 988 миң муаммоли ҳолатга ечим топилган.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасида яратилган шароитларга юқори баҳо берди.

— Бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топиши, Тошкент биз борада намуна бўлиши керак, — деди Президентимиз.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Умар АСРОРОВ,  
Ўза мухбирлари**



• Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда Мўйноқ туманида “Меҳр Оролни кўчаради” лойиҳаси доирасида тадбирлар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий, вилоят кенгаши вакиллари, вазирликлар, идора ва ташкилотлар, ўқув юртлири ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар иштирок этди.

• Бугун Халқ депутатлари Тошкент шаҳар сессияси бўлиб ўтди.

• Наманган вилояти ҳокими ўринбосари вилоятда истикомат қилаётган турли миллат ёшлари билан учрашди. Наманган ёшлар марказида бўлиб ўтган мулоқотда вилоят тожиқ, қирғиз миллий маданият марказлари раҳбарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масбул ходимлари ва журналистлар иштирок этди. Тадбирда миллий маданият марказлари раҳбарлари ва фаол ёшлар барча миллат ва этник диаспоралар тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий аънавалари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантиришга катта ёрдам бераётгани қайд этилиб, уларга миннатдорлик билдирилди. Учрашувда ёшларнинг таклифлари ва мавжуд муаммолар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари асосида тегишли чора-тадбирлар белгиланиши маълум қилинди.

• Шарқий ҳарбий округнинг Фарғона дала-ўқув майдонида бўлиб ўтган “Ватанпарварлик — миллий юксалиш қафолати” широстидаги ҳарбий-ватанпарварлик фестивалида ёшлар, ҳарбийлар, уларнинг оила-аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Фестивалда ҳарбий парад, ёшлар учун замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника кўргазмаси, ҳарбий таъминот масалалари, шунингдек, ҳарбий оркестр, ҳарбий хизматчиларнинг қурол билан саф ҳамда кўл жанги элементлари чиқишлари намойиш этилди. Замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналари билан ёшлар яқиндан танишди. Фестиваль давомида ёшлар Ватан химоячилари билан дилдан суҳбат қурди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

• Навоий шаҳрида ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимлари учун янги-дан қуриб битказилган хами 60 хонадонли 2 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил топонининг 28 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари байрами кенг нишонланаётган шу кунларда ҳарбийлар ва ички ишлар органлари ходимлари учун шаҳар марказида замонавий шароитларга эга хонадонларнинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрам совғаси бўлиди.

• Андижонда “Жаҳон банкининг имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш” мавзусида бизнес-форум бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда қатор вазирлик, ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қишлоқ ҳўжалиги йўналишида иш олиб бораётган ҳамда мазкур йўналишда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўз бизнес-режаларини таклиф этган тадбиркорлар, фермер ҳўжалиқлари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар раҳбарлари, банклар вакиллари иштирок этди. Форумда мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.



• Уругвайдаги Монтевидео порти боғжонаси ходимлари мамлакат ҳарбий-денгиз қучлари орасига биргалликда умумий вази 4,4 тонна кокаин жойланган контейнерларни тўхтатиб қолишди. Бу ҳақда Уругвай боғжона хизмати хабар берди. Мамлакат боғжона хизмати бошлиғи Хайме Боржининг маълум қилишича, ушбу кокаин партиясининг Европа бозоридеги нархи 1 млрд. доллар атрофида. Кокаин соя доналари жойланган юклар орасига яшириб қўйилган бўлган. Бунга қадар Монтевидеода ушланган энг йирик партиядаги кокаин вази 3 тоннани ташкил этганди.

• Япон соҳилбўйини қўриқлаш хизмати шимолий корейлик деб тахмин қилинаётган етти кишининг жасади бўлган қайинчи топди. Қайиқ Нингата префектурасидаги Садо ороли соҳиллида аниқланган, аммо ёмон об-ҳаво туфайли у эртаси кунга текширилган. Соҳилни қўриқлаш хизмати ходимлари қисман чириб кетган етти-та жасадни топишди. Текширув пайтида ёғоч қайиқнинг бортида корейс иероглифларига ўхшаш кизил бўёқдаги ёзувлар аниқланди. Мутахассислар ҳалок бўлганлар КХДР фуқаролари бўлган-бўлмаганлигини текширмоқда.

### 14 январь – Ватан химоячилари кун

#### ВАТАНГА ТАЯНЧ БЎЛАЙЛИК

**Тинчлик – бебаҳо неъмат. Шу боис, инсоният мудом тинчликка интилиб яшайди. Хотиржам ухлаб, бежавотир уйғониш, осойишта дийрда умргузаронлик қилиш – орзу-мақсадимиз. Ҳар сафар дуога қўл очар эканмиз, эл-юртимизга тинчлик, хотиржамлик сўраймиш. Шу онда халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини мустаҳкам химоя қилаётган ҳарбийларимиз ҳам эсланади.**

Ватан химоячилари байрами арафасида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган “Мен Ватанимга таянчман” мавзудаги тадбирда ана шу ҳақда сўз борди.

Фахрий ҳарбийлар, соҳага ихтисослашган лицейлар ўқувачилари ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти тарғиботчилари – “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири А.Мелибоев, “Фидокорона хиз-

матлари учун” ордени соҳибчи Ш.Ёрматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Ярашева мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигида ҳарбийларнинг ўрни беқин-ёслиғи ҳақида гапирди. Ватанин севиш, унинг ҳар бир қарич ерини эъозлаш, аввало юрт тинчлиги ва осойишталигига ҳисса қўшиб, уни ҳар хил бузғунчи бўҳронлардан сақлашда жонбозлик кўрсатишдан бошланишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириги томонидан аънанавий “Эҳтиром” ижодий мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

#### МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ва бошқалар миллий санъатимизга қаратаётган доимий эътибор уни янада равангга топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ана у йилдириқ, “Эҳтиром” мукофоти мусиқа, хореография, театр, санъат таълими, тасвирий санъат, музейшунослик, санъатшунослик ва бошқа йўналишларда самарали ижод

қилаётган фидойи, ўз касбининг билимдони бўлган ҳамюртларимизга топшириляпти.

Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари чорлаш, меҳнатини алоҳида эътироф этишда мазкур мукофотнинг аҳамияти катта бўлмақда. Бу жараёнда мамлакатимизнинг турли худудларидаги театрлар, музейлар, маданият-маърифат маскан-

(Давоми 3-бетда)



## 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

**Ватанимиз тарихида эрк, озодлик учун курашиб, жонини фидо қилган мард саркардалар жуда кўп ўтган. Улар орасида Хоразмшоҳлар сулоласининг сўнги вакили, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангубердиннинг алоҳида ўрни бор.**

Бугунги кунда номи Жалолиддин Мангуберди сифатида ҳар биримизнинг қалбидан жой олган бу улғу саркарданинг исми ростдан ҳам Мангуберди бўлганими? Ҳа, умуҳман Мангуберди деган исми ўзбеклар тарихида учрайди...

Маъзур саркарданинг номи кўплаб тарихий манбаларда Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ сифатида тилга олинган. Шахсий котиби Шихобуддин ан-Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалоладдин Менкбурни” асарида саркарданинг номи Менкбурни тарзида тилга олинган. Жалолиддин Менкбурни сифатининг қўшилишига унинг бурни ёнидаги қичкина холи сабаб бўлган. Маълумки, эски ўзбек тилида, хусусан, Хоразм шеvasида ҳам менг сўзи хол маъносини беради. Аслида бошқа туркий тилларда ҳам бу сўз аини маънода ишлатилади.

## Ватанимизнинг...

1219 йилда Осиёдаги икки қудратли ҳукмдор – Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг бузилиши мисли қўрилмаган қатлу киринга йўл очди. Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Фарғона – Хоразмшоҳлар давлатига юриш қилди. Давтавалл ва юришга белсизлик билан қараган Хоразмшоҳ душманининг қудратини англаб етганида кеч бўлганди.

Хадисиз, худудсиз бир буюк мамлакат подшоиси бўлган бу ҳукмдор ўзининг пухта ўйланмаган, масъулиясиз сиёсати, хатти-харакатлари, муҳимлиги билан ўлка халқларининг бошига жуда оғир балолар, қонли мусибатлар келтиргани рост. Зотан ички низолар, маҳаллийчилик, худудий бошқарувдаги хатолар мамлакатнинг қуч-қудратига таъсир ўтказмай қолмаганди. Қолаверса, Чингизхон ўзининг айғоқчилари ёрдамида мамлакатдаги ички вазиятлар, шохнинг заиф томонларини етарлича ўрганиб чиққанди.

Шоҳ аввало чегараларни мустаҳкамламади, кунчиқардан Чингизхон истилоси ҳавфининг олдини олмади, ҳалқи эмас, инжиқ онаси-ю, бир-иккита қариндошини хузурини ўйлаб бутун мамлакатнинг тақдирини ҳафз остига қўйди.

## Қафасиз кетган ҳукмдор

Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхоннинг бостириб келиши аниқ бўлганда ҳам, ўғли Жалолиддин ва бошқа доно саркардаларнинг сўзига қирмади: Сирдарё бўйига бор қўшинни жамлаб ёвни қарши олмасдан “Хар шаҳар ўзини-ўзи ҳимоя қилсин”, деди ва бу билан мўғул галалари йўлни бемалол очиб қўйди. Подшоҳ ўғли Жалолиддиннинг: “Евга кетма-кет зарба берайлик”, дея неча марта қистагига эътибор бермай, сукташлик қилди.

Ким билсин, агарда подшоҳ Чингизхон тарафидан келган савдогарларни ўлдириб юборган Утрор ҳокими Фаюрхонни ўз вақтида жазоланганда бу киргин уруш бошланмасми? Утрор ер билан яқсон қилинади, Фаюрхон ҳам мўғуллар томонидан ўлдирилади, неча минг бегуноҳ одамлар қатл этилади, подшоҳнинг онаси, хотинлари, қизлари асир олинади...

Дўппи тор келиб, душман остонага етиб келганида султони ўзига ҳам жон ширинлик қилади. Термиз мўғуллар томонидан олинган, Мовароуннахрни ташлаб Хуросонга қочади.

Афсуски, Хуросонда ҳам бирор дорумомон жойни тополмай, Ҳазар (Каспий) денгизи бўйларига яширинмоқчи бўлади. Орқасидан мўғуллар қувиб келаятганидан ваҳимага тушган шоҳ кемага тушиб, денгизнинг ўртасидаги Ашурда оролидан паноҳ топади. Бу кимасиз орол султони сўнги манзили эди. Айтишларича, шоҳ ўлганда уни ўраш учун қафан ҳам топилмайди ва эғнидаги чопони билан дафн қилишади.

## Чингизхоннинг эътирофи

Салтанатнинг тақдирини ҳал бўлаётган бир пайтда отасидан тахтни қабул қилиб олган Жалолиддиннинг зиммасига жуда катта масъулият юклаган эди. У она халқи душман исканжасида, Ватани ўт ичида қолган бир пайтда мардона бош кўтариб чиққанди.

Садоқатли, ботир, ёвкур аскарлари билан Чингизхон қўшинларига қарши то сўнги нафасига қадар мардонавор жанг қилди. Айниқса, Синд дарёси бўйидаги мисли қўрилмаган жасорати хатто фанмиларни ҳам ҳайратга солади. Сон-саноксиз мўғуллар қўшини Жалолиддин бошчилигидаги хоразмликларни тобора ўраб, янчиб келмоқда эди. Орқада асов тўқчилар, олдинда эса тиш-тирноғича қуролланган қонхўр ёв. Жалолиддин ва унинг сафдошлари бор қучларини ишга солиб курашади. Жалолиддин бу жангда ўнлаб мўғул жангчилари билан яқмама-яқма олишиб, уларни асфаласофинга жўнатади. Унинг жасоратидан манаман дегун мўғул саркардалари ҳам талвасага тушиб қолишади.

Жангни кузатиб турган Чингизхон Жалолиддинни тириклай қўлга олишни амр қилади. Жалолиддин ва унинг бир неча содиқ жангчиларини сиқувга олган “жонли халқа” тобора қисқариб боради.

Нажот йўқлигини билган Жалолиддин ўзига қарашли ҳарам – аҳли-аёли-ю, бола-чақасини дарёга ташлашни буюради. Зотан бошқа чора йўқ, ваҳший мўғулларнинг қўлига тушган аёлларни муҳдис қисмат кутарди. Султони ўзи тик жарликдан отини дарёга сакратади ва теъда нариги қирғоққа чиқади. Буни кўриб турган Чингизхон: “Отдан ўғил туғилса, шундай туғилсин!” – деб буюради.

## “ҲАР ОТАДАН ШУНДАЙ ЎФИЛ ТУФИЛСА...”

## Жалолиддиннинг жасорати ва халқати

Мўғуллар истилоси даври тарихисини Фазаъллох Рашиддин ўзининг “Жомеъ ат-таворих” асарида Султон Жалолиддин ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

“Султон Жалолиддин Ироқ ва Озарбайжонда фатх ишларини олиб борди. Хижрий 615 (милодий 1218) йилнинг бошларида у Исфохондан Табризга келди, у ердан Гуржистонга йўл олди. Гарчи Гуржистон ва унинг иттифоқчилари қўшини сон жиҳатидан кўп бўлса-да, Жалолиддин уларни осонликча маъх этди. Шу ўринда кўпгина тарихчилар қучларни бириктириб, мўғулларга қарши жанг қилиш ўрнига, Гуржистонда газот қилиб, исломни қабул қилмаган гуржиларни ўлимга буюргани Султон Жалолиддиннинг энг катта хатоларидан бири бўлганини таъкидлашади.

Шундан сўнг султон ҳозирги Туркия худудидидаги Хилот шаҳрини икки ой қамал қилади ва эгаллайди. Ҳа, Маълик Ашрафнинг саройига ўрнашади. Султони хазинаси маълик Ашрафнинг бойлиқлари билан яна тўланади. Ўн атрофдаги ҳукмдорлар унга қутловлар ва совға-саломлар жўнададилар. Султони кутиммаган бу галаба бироз хотиржам қўйганди.

У гарчи кейинчалик Кавказ, Миср ва Шомдаги ҳукмдорларни бириктириб, мўғулларга қарши курашишга даъват қилган бўлса-да, саркардалар ўртасидаги келишмоқчилик, қоларверса, султони саломатлиги билан боғлиқ муаммолар сабаб унинг салтанатига пугур этади. Мўғул қўшинлари ҳар галгидек бу имкониятдан ҳам усталик билан фойдаландилар.

## Шер қўсига урилган тиг

1231 йил. Жалолиддин Мангуберди санокли аскар ва мулозимлари билан Амил калъасидан узоқлашиб борар, мўғуллар уларнинг изига тушгани аниқ эди. Фақат ярим йўлда мулозим Утурхон, отбоқар Талсаб, ва отфурӯш Махмуд ва яна бир катта одамлари билан мўғулларнинг чапгаги орқасидан эргаштирди. Чиябўридаги уларнинг изига тушган мўғуллар Султон Жалолиддинни ҳам улар орасида деб гумон қилишганди.

Мўғуллар энди барибир уни тинч қўйишмади. Чунки, унинг қўлида ҳеч қандай қуч қолмади. Энг яқин амирлари

ҳам ундан юз ўгиришди, дўстлари хиёнат қилди. Атроф-жавонидан мадад сўраб жўнатилган номалар жавобсиз қолди. Шу онда унинг сафдошлари ҳам жонларини қўтқариш илинжида Жалолиддинни ташлаб кетишди.

Султон яққа ўзи курашмаса бўлмаслигини англаб етганди. Кўз очиб юмгунча душманлар етиб келди, икки ўртада шиддатли жанг бошланди. Қучлар тенг эмасди, хасталик султони бироз ҳолдан тойдирган бўлса-да, имкон даражасига қаршилиқ кўрсатди. Бир ўзи бир нечта мўғулни ер тишлатгач, қолганларини ўз-ўзидан ортига чекинди. Кўп ўтмай, мўғуллар жуда катта қуч билан устига ташланиб қолишдан хавотирланган султон тоғ тарафга от солди. Аммо уни бу ерда қурд қароқчилари қутиб турарди.

– Бу султон Жалолиддин-ку, уни тириклай қўлга олин-лар, – амр этади уни таниб қолган қурдлар сардори.

Султоннинг уларга қарши курашишга холи қолмаганди. Қурдлар бир зумда унинг отини, қурол-ярогини, қиммат-баҳо кийимларини тортиб олишди. Жалолиддинни қўлга олиш анча қийин кецади. Аммо, ўн нафар қурд бирданги ёпишқан чоғда шердек бақувват Жалолиддин таслим бўлишдан бошқа чора топмади. Қурдлар султони Майо-фарихин қалъаси яқинидаги қишлоқлардан бирида, эгасиз қўлгаба қамадилар.

“Бу не кўргилик! – Хужранинг торғина дарчасидан ту-шаётган ой шуъласига тилганича ўйга толади Жалолид-дин. – Бир пайтлар Ҳиндан то Гуржистонга қадар булган мулкларни бириктирган, маълун Чингизхонни ҳам танг ахволга солган султон Жалолиддин наҳот энди бир ҳовуч қароқчининг қўлида тутқун бўлиб ўтирса?”

Жалолиддин қўл-оёқларига чандиб ташланган зан-жирларга ўқинч билан қараб қўяди. Туйқусдан ташқари-дан келаятган шовқинни эшитиб хаёли бўлинади. Зум ўтмай қулба-нинг ёғоч эшиги очилиб, бўсағадан аллақандай барзанги шарпа пайдо бўлди:

– Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ, – дея қаҳ-қаҳа отади барзанги. – Сен мени танимайсан, лекин мен сени жуда яхши билман. Бундан бир йил аввал Хилот жангида укамни сен ўлдиргансан. Ушанда сенинг қўснингга ханжар ураман деб қасам ичгандим.

Кутлиммадан, қурднинг ўткир ханжари султони ўқтин икки йил “эрк, озодлик, адолат” деб уриб келган қалбига санчилди...

## Осмон эғнига кўк ёпинди...

Ун бир йил Ватан озодлиги учун мардонавор жанг қилиб, мўғул лашкарларини саросимага солган буюк саркарда, Султон Жалолиддин Мангубердиннинг шарофли ҳаёт йўли шу тариқа якун топади...

Мангубердиннинг шахсий котиби Шихобуддин ан-Насавий саркарданинг сўнги қўнлари ҳақида шундай сатрларни битиб қолдирган:

“...У ҳеч қачон, ҳеч бир ерда икки кундан ортиқ уш-ланиб қолмас, ором билмас эди. У эндигина ором топганда эса жаҳон беқарор бўлди, ўз оромини йўқотди. Қоронги жаҳонни ёритган кўёш фарб томон чекиниб, ер остига беркинди... Салтанат мажлисининг шайми эди, даврани нурлантирди, энди ёнди-ю, сўнди. Шохлик бўстониинг гули эди, очилди-ю, энди пахмурда бўлиб сўлди. Ислом аҳлининг уйкудаги бахти эди, уйғонди-ю, сўнг уйкуга кет-ди... Осмон бу мотамдан эғнига кўк ёпинди. Ер бу мусиб-батдан сочини олиб, бошига тупроқ сочди...”

Айрим маълумотларга қўра, унинг қабри Туркиянинг Эла-зиг вилояти Пертеқ тумани Дорултой қишлоғида, Тузук бобо қабристонидан бўлиши мумкин.

## Буюк саркардага муносиб эҳтиром

Орадан асрлар ўтса-да, Жалолиддин Мангубердиннинг жасорати тиллардан-тилларга ўтиб, бизгача етиб келди. Унинг қаҳрамонлиқлари ҳақида асарлар битилди, афсона-лар яратилди. Бадиий асарлар ёзилди.

1999 йилда саркарда таваллудининг 800 йиллиги юр-тимизда кенг нишонланди. Органч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. 2000 йилда Жалолиддин Мангуберди ордени тасвир этилди. Унинг ҳаёти ва фаолияти акс этган янги-янги асарлар, фильм-лар, сериаллар яратилмоқда. Зотан, буюклик, жасорат, эрқарварлигини умрибқўқидир.

**Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
**Рустам ЖАББОРОВ**



## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

**Оиласи тинч, фарзандларидан кўнгли хотиржам инсоннинг ишида унум, барака бўлади, муваффақиятлар қозонади. Айниқса, ҳарбий соҳа вакиллари учун бу жуда муҳим.**

“Соғлом авлод учун” халқаро хайр-и фондидан томонидан ўтказилаётган тиббий кўриқлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фонднинг Тиббий-ижтимоий марказида ташкил этилган тадбирда ҳам ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Мутахассисларнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиш юзасидан маслаҳат ва тавсиялари тингланди.

Маъзур тадбир Президентимизнинг

2019 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлар ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармойиши ижроси доирасида Фонд томонидан кўчма тиббий ижтимоий ёрдам бригадалари орқали ҳарбийлар оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ташкил этилди.

**Мохигул ҚОСИМОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

## ЁШ ҲАВАСКОРЛАР ТАНЛОВИ

**Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлар тизимига олиб борилаётган изчил ислохотлардан бири ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилмоқда.**

Бунинг яқол мисоли сифатида Ҳаво Ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий Ҳаво Кучларига қарашли 61917-сонли ҳарбий қисм хизматчиларнинг 5-15 ёшгача бўлган фарзандлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!” шиор остида “Менинг армиям – менинг фахрим!” мавзусида расм чиғиш танлови ўтказилди.

Маъзур танловда иштирокчилар томонидан чиғилган расмларда Ватан озодлиги учун ёвга қарши чиққан буюк саркардаларимиз Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довурак, жасур, ватанпарвар саркардаларнинг жасоратлари акс эттирилган. Улар ҳам келгусида оталари каби Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлар сафида хизмат қилиш истагини билдириб ўзлари чиғилган расмларга изох бериб ўтишди.

Тадбирда Чирчиқ шаҳар 24-сонли мактаб директори Ханифа Каримова ҳакам сифатида қатнашар экан иштирокчиларнинг чиғилган расмларига баҳо бериб уларда ўз Ватани ҳақидаги дастлабки тасавурларини юқори баҳолади ва барча иштирокчиларга келгусида ўз оиласи ота-онаси, опасингиларининг тинчлигини таъминловчи жасур ва мард ўғлон бўлиб етишишларига тилақдош эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу танловнинг ба-ҳолари эълон қилиниб, капитан И.Мирзаахмедовнинг фарзанди Моҳинур Боходированинг истаъдодини юқори баҳолаб, танлов голиблигига лойиқ деб топилди.

Тадбир сўнгида подполковник Н.Бултуров, майор Б.Мухаммадиев, капитан Б.Исмомиловлар томонидан ёшларнинг қалби ва онгига жонанжон Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, Ватан қақирисига асосан уни ҳимоя қилишга доим шай туриш, юрт учун фидойи бўлиш хислатларини сингдиришда Ватанимизнинг мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва ҳавфсизлигини, халқимизнинг тинч ва осузда ҳаётини ҳимоялашда миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамиятини, жанговар салоҳиятини кенг тушунтириб бериб, бугунги кунда амалга оширилаётган Ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини, ёш авлод вакилларига қўрсатилаётган эътибор, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитларни аниқ мисоллар билан ёшлар онгига сингдириб ўтишиб голибларга ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган совғаларни топишиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучларини ташкил топишидаги ҳуқуқий асослари акс этган буклетлар тарқатилиб ҳарбий қисм музейи ва замонавий техникаларга экскурсия ташкил этилди.

**Каримжон НАМОНОВ,**  
**подполковник**

## ВАТАНГА ТАЯНЧ БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ватанни севиш, асраш ҳақида гап кетганда кўп мисоллар келтириш мумкин, – деди А.Мелибоев. – Ҳиндистонга борганимизда ўзимизни дўппимизни бизга ялиниб, ёлвориб сотишга уринаётган сотувчини кўрдим. Ундан бироз нари кетгач, дўппиларимиз кўзимга худди ғарибдек кўрина бошлади. Чидай олмасдан ортимга қайтиб, ўша саккиз дон дўппини сотиб олиб, Ўзбекистонга олиб қайтганман. Ватанимизнинг бир бўлагини ўша ерда қолдиргим келмаганди. Бу воқеани бежизга айтмадим. Ватан ҳақида ёзиш учун “Ватан” дея қичқирмаслик керак. Уни жимгина севиш ҳам мумкин. Ватанга қарата отилаётган биттагина тошни қайтара олсак, уни бадном қилишга қаратилган сўзнинг ёлғонлигини исботлаб, кенг жамоатчиликка етказсак, бу ҳам Ватанни чин севишдир.

“Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи, Ички ишлар вазириги Тошкент 1-сонли академик лицейи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари даврага ўзгача файз улашди. “Булбулча” рақс дастаси ижросидаги қувнок рақслар йиғилганларга байрамона тўҳфа бўлди. Ватан, она тупроқ ва азиз халқимиз ҳақидаги куй-қўшиқлар, ифодали ўқилган шеърлар тадбир иштирокчиларига тақдорланмас шуқуқ, кўтаринки кайфият, ифтихор ва ватанпарварлик туйғулларини улашди.

Тадбир сўнгида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ҳамда Ички ишлар вазириги 1-сонли академик лицейи кутубонасига “Майрифат” тарбиотчилар жаъмияти томонидан китоблар совға қилинди.

**Диловар МАМАТОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

## “ФАЙЗЛИ ТОШКЕНТ” АКЦИЯСИ:

## ПОЙТАХТИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ФАЙЗЛИ БЎЛАДИ

**Пойтахтимизда “Файзли Тошкент” акцияси бошланди. Гўзал шаҳримизни янада обод ва файзли масканга айлантириш мақсадида ташкил этилган акция “Миллий” стадион очик майдонидан қўр олди.**

Шу муносабат билан бу ерда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар, шаҳар ободонлигига масъул ходимлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев Тошкентда обод манзиллар қон сайин кўпайиб бораётган бир пайтда, қаровсиз худудлар ҳам борлигини таъкидлади. Акция иштирокчиларини шаҳарнинг санитар ҳолатини яхшилашда фаолликка чақирди.

Маълум қилинишича, акция икки ой бўлади. Бу вақтда Тошкент шаҳрининг 30 минг гектардан ортиқ худуди, қабристонлар, ички кўчалар ободонлаштирилади, дарохтларга шакл берилади, ичкар кўчаларнинг тунда ёритилишига эътибор қаратилади.

Акция доирасидаги дастлабки иш Чилонзор ва Учтепа туманларини ободонлаштиришдан бошланди. Жараёнга шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг 1000 нафар ишчи-хизматчиси, 105 махсус техника жалб этилган. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Б.Раҳмонқулов ишчи гуруҳи раҳбари этиб тайинланди. Шунингдек, ҳар бир худудга масъул этиб белги-ланган раҳбарлар иш сифати, самарадорлигини назорат қилиб боради, кейинчалик ҳам ўз худудидеги саришталикка бевоасита жавоб-гар ҳисобланади.

– Март ойигача пойтахтимиз янада кўркам ва обод шаҳарга айланади, – деди Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходими Шохруҳ Раҳимжонов. – Акцияга Тошкент вилоятидан кўнгилилар ҳам жалб қилинади. Улар учун барча шароит яратилди. Ободонлаштириш ишларига жалб қилинган ҳар бир ишчига 80 минг сўмдан кунлик иш ҳақи тўланади. Мақсадимиз пойтахтимизнинг озода ва саришталигини таъминлаш, хусусан, кўп қаватли уйлар атрофи, ариқлар, кўчалар ва қабристонларни чиқинди, шох-шаббалардан тозалаш, тартибга келтиришдир.

– Тошкент вилояти Янгийўл туманидан келдим, – деди Баҳром Ҳақимов. – Туманимиз ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилганим “Файзли Тошкент” акциясига тавсия қилишди. Бу менга доимий ишга жойлашунимга қадар яхши имконият бўлди. Ўзим каби иш қидириб юрган танишларимни ҳам маъзур акцияда қатнашишга таклиф қилдим. Бугун биринчи иш кунимиз. Биз иш қуроллари, транс-порт воситалари, кийим-кечак ва икки маҳал иссиқ овқат билан таъминландик. Ишни Чилонзор тумани 2-даҳасини ободонлаштиришдан бошладик.

**Гулноза БОБОЕВА**



## СТАТИСТИКА СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат статистика қўмитаси томонидан **“Статистика маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончилиги ва уларнинг очиқлигини таъминлаш борасида миллий статистика тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда истиқболдаги вазифалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда статистика соҳасига доир қабул қилинган қарорлар ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси статистика соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, олиб борилган амалий ишлар натижасида бугунги кунда қўмитанинг расмий сайтида 1 миллиондан ортиқ макроекономика кўрсаткичи, фойдаланувчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун 90 дан ортиқ таҳлилий статистик маълумот ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон қилиниб берилмоқда.

Йигма статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилигини таъминлашда кадрлар салоҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги қарори билан қўмитанинг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига айлантирилиши мазкур масалаларнинг ижобий ечимига айни муддао бўлди.

Хозирги кунда мамлакатимизда инфляция даражасини ҳаққоний, ишончли ва очиқ ҳисоб-киتاب қилиб бориш тўлиқ йўлга қўйилмоқда, – деди Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Усмонов Абдурасулов. – Бу борадаги ҳисоб-киتاب ишларини янада тақомиллаштириш ҳамда инсон омили аралашувни камайтириш мақсадига статистик таллашма кузатувларни электрон планшетлар орқали ўтказиш жорий этилди. Натижада ҳудудларда нарх-навоми кузатиш онлайн режимида амалга оширилиб, маълумотлар тўғрисида-тўғри қўмитанинг марказий серверига келиб тушди. Шунингдек, ўтган давр ичиде фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадига 8 та халқаро ташкилот ва 11 та мамлакат статистика идораси маълумотлар базалари таркиби ва уларнинг бу борадаги тажрибалари ақилдан ўрганиб чиқилди. Миллий ва хорижий фойдаланувчилар ўртасида интернет орқали доимий тарзда сўраблар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда биринчи марта шу йилнинг декабрь ойида “Open Data Week Uzbekistan – 2019” очик маълумотлар ҳафталиги ҳамда “Open Data Day – 2019” очик маълумотлар куни ўтказилди. Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадига амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида “Open data Inception” рейтингининг маълумотиға кўра, Ўзбекистон 52 та очик маълумотлар манбаси билан очик маълумотлар манбалари сони мажмуудлиги рейтингига ҳар бир мамлакатлари ичиде биринчи ўнликдан ўрин эгаллади.

Қўмита томонидан МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Осие тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шунингдек, 12 та халқаро молиявий-иқтисодий ташкилот билан ахборот алмашуви йўлга қўйилиб, уларнинг махсус 28 турдаги саволномалари асосида статистик маълумотларнинг ўз муддатида етказилиши таъминланмоқда.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида **“Open space”** форматида **“2020 йилда Ўзбекистон банк секторидеги ўзгаришлар”** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## БАНК ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва бошқа банк вакиллари, аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари, тадбиркорлар қатнашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Иқтисодий

тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳақимов ва бошқалар мамлакатимизда банк соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазкур секторни модернизация қилишда муҳим роль ўйнаётгани, бундай қулайликлар мижозларга ҳар томонлама кенг имкониятлар бераётганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда хусусий секторнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали банк секторидеги иштирокини кенгайтириш масалалари, ҳукумат то-

монидан мамлакат банк секторини модернизация қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш муҳимлигиға аҳамият қаратилди.

Давра суҳбати сўнггида тижорат самарадорлигини ошириш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни шакллантириш мақсадида активларни тақсимлашни оптималлаштириш механизмларини ўз ичига олган банк ва молия секторини тизимли ўзгариштириш юзасидан фикрлар билдириб ўтилди.

Зарина РУСТАМОВА

## КЎМИР ЧИҚИНДИСИДАН САМАРАЛИ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

**Инновацион технологиялар ривожланаётган даврда яшаётганимизга қарамай, энг қадимги ёқилғилардан бири бўлмиш кўмирдан фойдаланиш кўрсаткичлари бутун жаҳон миқёсида ошишга ошяптики, сира камаймаяпти. Энди инсоният олдиде мазкур табиий бойликни атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда қўллаш, имкон қадар иқтисод қилиш зарурияти вужудга келган.**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Люксембургнинг Coaltech S.a.r.l. компанияси ўртасида чиқинди (майда) кўмирдан тайёр махсулот – “пеллет” олишга қаратилган, қиймати 16 млн. евро ва кубвати 250 минг тоннага тенг инвестицион лойиха амалга оширилмоқда. Мазкур лойихаға кўра, Ўзбекистонда кўмирнинг майда чиқиндиларини хорижда патентланган инновацион технология асосида қайта ишлаш натижасида иситиш, таркиб ва бошқа хусусиятларига кура кондан олинган кўмирдан фарқ қилмайдиган гранулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда кўмирни казиб чиқариш, қайта ишлаш ва транспорт қилиш жараёнларида казиб чиқарилган кўмирнинг 20 фоизгача микдори элаш, майдаланиб кетиш оқибатида чиқиндига чиқинди аниқланган. Натижада, тайёр махсулотнинг ҳажми камайиб кетмоқда, майда кўмир ва кўмир чанги кон ҳудуди ҳамда иш жойларининг ифлосланиши, атроф-муҳит ва ер ости сув захираларининг захирланишиға олиб келмоқда.

2019 йилнинг 6 ойлик фаолияти натижасида “Ўзбеккумир” АЖ корхоналари томонидан 1 512,4 минг тонна кўмир казиб чиқарилганини инобатға олсак, ярим йилнинг ўзида таҳминан 300 минг тонна кўмир чиқиндиси кониб бўлмоқда. Юртимизда мазкур муаммонинг ечи-

ми сифатида кўмир чиқиндисидан брикетлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Аммо брикетларнинг ёниш хусусиятларини (иссиқлик калорияси) кўмирнинг хусусиятларидан паст бўлгани боис, уни сотишда муаммонлар юзаға келмоқда. “Пеллет” ишлаб чиқариш лойихасини амалга ошириш натижасида чиқинди сифатида бақоланадиган майда кўмирни қайта ишлаш, тайёр махсулотни экспорт қилиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри инвестициялар асосида тармоқда мавжуд ишлаб чиқариш ва экологик муаммонларни ҳал этиш имконияти юзаға келди.

Атроф-муҳитга зарар келтирувчи ҳамда токсик чиқиндилардан аҳоли ва иқтисод учун зарур махсулот яратилиши бир томондан экологик муаммонларни ҳал этиш, иккинчи томондан саноат ривожланишиға туртки бўлади. Кўмир чиқиндиларининг ҳаво, ер ва сувни ифлослантириши оқибатида пайдо бўладиган зарарларнинг олди олинди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йилда юртимиз саноатининг турли соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича бир қатор лойихаларни амалга оширишни режалаштирган бўлиб, улар миллий иқтисодиётимизнинг ўсиши, янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаш-қувватлашға қаратилган.

**“Жўшқин Гужарат – 2019” Халқаро инвестицион саммити доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ҳиндистоннинг Bharat Biotech компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимға кўра, Bharat Biotech компанияси томонидан ишлаб чиқилган ротавирус инфекциясига қарши янги Rotavac вакцинасини етказиб беришға келишилган эди.**

## РОТАВИРУСГА ҚАРШИ СИФАТЛИ ВАКЦИНА ЎЗБЕКИСТОНГА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА ОЛИБ КИРИЛАДИ

Бугунда инновацион ривожланиш вазирлиги ва Bharat Biotech компанияси ўртасида олиб борилган музокара натижасида Ўзбекистон Республикасига ушбу вакцинанинг 1 дозасини 0,85 АҚШ долл. нархида етказиб бериш бўйича келишувға эришилди. Ўтган давр мобайнида ротавирусга қарши вакциналарнинг 30 фоизи UNICEF вакцинация дастурининг ҳамқори Глобал вакцинация ва иммунизация альянси (GAVI) томонидан молия-

ласи қарши ҳисобига вакцинанинг 1 дозаси 2,29 АҚШ долл. нархида харид қилинган. Шунингдек, вазирлик томонидан Bharat Biotech компаниясига Rotavac вакцинасини Ўзбекистон давлат рўйхатидан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ротавирус инфекциясига қарши қўллашилаётган Rotavac вакцинасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта квалификациядан ўтган бўлиб, уни жаҳоннинг барча давлатларида қўллашға рўхсат берилган. Bharat Biotech компанияси бир қатор халқаро компаниялар ва жамғармалар билан ҳамкорлик натижасида мазкур вакцинани 2014 йили Ҳиндистон бозорига тақлиф этишға муваффақ

бўлган. Компания берган маълумотларға кўра, уни яратиш учун 200 миллион АҚШ доллари инвестиция қилинган.

Ротавирус асосан чақалоқлар ва кичик ёшли болаларда ошқорзон-ичак касаллигини келтириб чиқарувчи вирус бўлиб, организмни сувсизланишиға олиб келади. Болаларда касаллик қусиш ва тана хароратининг юқорилиги билан кеади. Ротавирус ёки халқона тилда ошқорзон гриппи деб аталадиган ушбу касалликка қарши тибий препаратлар мавжуд бўлмаганили боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ротавирусга қарши эмлаш амалиётини қўллашни тавсия этади. Ҳиндистоннинг Bharat Biotech компанияси томонидан яратилган юқори сифатли ва иқтисодий самарадорликка эға бўлган Rotavac вакцинасини қатор хорижий мамлакатларда чақалоқларни эмлашда қўйдаланилмоқда. Демак, ушбу нисбатан арзон ва сифатли вакцинани очик тендерда қатнашиши ва Ўзбекистон бозорига кириб келиши аҳолини эмлаш қамровини янада кенгайтиради, фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват ўсишлириға хизмат қилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот хизмати

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Миллий, мумтоз, жаҳон композиторларининг энг сара асарларидан намуналар янгради. “Эхтиром” мукофотининг соҳиблари наватбана-наватб эълон қилинган. Бу йилги мукофот “Театр, кино ва оммавий томошалар”, “Эстрада, анъанавий, опера хонандалиги, музика ижрочилиги ва рақс санъати”, “Тасвирий ва амалий санъат”, “Бадиий ижод, журналистика ва телевидение”, “Эйтибор, эхтиром, эъзоз” каби 5 йўналиш бўйича йилгича тўққиз номинациядан иборатдир.

– Ўтган 2019 йилда “Жулқунбой”, “Уйланиш”, “Этик қийган мушук”, “Жамоатчилик фикри” сингари спектакллarga беэазлар, сахнаий декорациялар ишлади, – деди Ўзбекистон давлат сатира театри бош расоми, “Эхтиром” мукофотининг “Йил сценеграфи” номинацияси голиби Эркин Аралов. – Бу жараёнда асар мазмунини ёрқин ва теранроқ, унда кўтарилган гоғни актёрлар билан бирга тасвирий воситаларда ҳам имкон қадар ёрқин ва таъсирчан тарзда очиб беришға астойдил интилдик.

– 2019 йилда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари бўйлаб очик осмон остидаги жонли концертлар муттасил ташкил этилди, – деди Ўзбекистон давлат филармонияси Миллий симфоник оркестри дирижери, “Эхтиром” мукофотининг “Йил бадиий жамоаси” номинацияси голиби Алибек Кабдурахмонов. – Бу концертлар давомида ҳамюртларимизнинг яхши музикаға бўлган ташналиги, хурмати, қизиқиши ва ихлосандлиги яна бир қарра намоеён бўлди. Келгусида ҳам мазкур йўналишдаги концертлар қўламини янада кенгрок давом эттириш режамиз бор.

Тадбирда маданият ва санъат намоёндаларига “Эхтиром” мукофоти тантанали топирилди. Концерт дастури тадбирға янада файз ва кўтаринкилик бағишлади.

Назокат УСМОНОВА

## Реклама ва эълонлар

“Сергеги тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати” давлат корхонаси томонидан ТҲАЙ ФУ УҚа қарашли Сергеги тумани, Чоштепа қўчаси, 173-ўйда жойлашган ишона биносининг кадастр рўйхатдан 2015 йил 22 декабрь ойида ўтган, шу иншоотни гувоҳнома TS № 0143407-сонли, реестр 606-61 бино-иншоотға берилган гувоҳномаги йўқолганлиги сабабли  
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИГАН ХИТКОЙЛИК САЙЁҲЛАР СОНИ ИККИ БАРАВАРГА ОШАДИ

10 январь куни Хитойнинг “Zhejiang Loong Airlines Co.Ltd.” авиакомпанияси **“Чэнду – Тошкент” йўналишида парвозни амалға оширди.**

Хитойнинг “Zhejiang Loong Airlines Co.Ltd.” авиакомпанияси вакиллари Тошкентда 2018 йилда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида иштирок этган эди. Музокаралар якуни бўйича ушбу компания билан Хитой туристик компанияларини мамлакатимиз сайёҳлик инфратузилимасига инвестиция киритишға жалб қилиш, биргаликда махсус туристик махсулотлар яратиш ҳамда хитойлик сайёҳлар оқимини ошириш, шунингдек, тўғридан-тўғри авиарейсларни йўлга қўйишда мулоқотларни ташкил этиш бўйича келишувға эришилганди.

Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси ва “Zhejiang Loong Airlines Co.Ltd.” компанияси сайёҳаракатлари натижасида 2019 йилнинг 27 сентябрь куни “Сиань – Тошкент – Сиань” йўналиши бўйича илк чартер рейс амалға оширилди.

“Чэнду – Тошкент” рейсининг биринчи йўловчиси мазкур авиакомпания раҳбари Лю И бошчилигидаги делегация бўлди.

– Бу бизни Чэндудан биринчи ва муваффақиятли парвозимиз бўлди, – деди Лю И. – Ўтган йилнинг сен-

тябрь ойида Хитойнинг Сиань провинциясидан чартер рейсини амалға оширган эдик. Чэнду Сиандан анча узоқ бўлса-да, Тошкентга белгиланган вақтдан 20 дақиқа аввал етиб келдик. Биз юртимиздан қўллаб тўрооператорларни мамлакатингизға олиб келиш ва сайёҳлик соҳасида алмашинувларни ташкил этиш тарафдоримиз. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йил 1 январдан Хитой фуқаролари учун мамлакатингизда визасиз тартиб жорий қилинган ҳам бунда муҳим аҳамиятға эға. Бу Хитойлик туристларнинг Ўзбекистонға бўлган қизиқиши ортишиға сабаб бўлмоқда.

Таъкидлашнича, авиакомпания ушбу йўналишда парвозларни ҳафталиқ ва маротаба баҳарлишини режалаштирган.

“Zhejiang Loong Airlines Co.Ltd.” авиакомпанияси 2011 йилда ташкил топган. Авиакомпания флотиде 46 авиалайнер бор.

– “Zhejiang Loong Airlines Co.Ltd.”



компанияси томонидан очилган янги рейслар хитойлик туристлар сонини кескин оширишға хизмат қилади, – деди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Улўббек Аъзамов. – 2019 йилда 54 минг хитойлик сайёҳ юртимизға ташриф буюрган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич икки бараварға ортиси қутулмоқда. Бугунги кунда дунёда хитойлик сайёҳлар оқими йил сайин ўсиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакат. Хитойлик сайёҳлар ушбу карванга йўли орқали савдо ва маданият алоқаларда муҳим ўрин тутган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий маканларни зиёрат қилиш истагиде.

Хуршид КОДИРОВ

## “ЮКСАЛИШ” ИСЛОХОТЛАР АТРОФИДА БИРЛАШИШГА ЧАҚИРАДИ

**“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2019 йилдаги фаолиятиға бағишланган ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.**

2019 йил бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг асосий вазифаси фуқаролар, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бизнес ҳамжамияти вакилларини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар атрофида иқтидорлик асосида бирлаштириш ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, ҳаракат ўтган қисқа давр мобайнида мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи янги гоғ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва илгарчи суришда ўзига хос майдонға айланди.

Ўтган йилда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар иштирокида 20 дан ортиқ лойиха доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 230 дан зиёд турли даражадаги учрашувлар ўтказилди. 50 га яқин форум ва давра суҳбати, жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилди. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати иштирокчиси 17 ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Қоракөлпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳаракатнинг ҳудудий бўлимилилари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳаракат ташаббуси билан Ўзбекистонда “Инновациялар учун ҳамкорлик” дастури доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари учун бепул коворкинг маркази очилди, давлат органлари ҳузуридаги 5 жамоатчилик кенгаши ҳамда 10 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти методик жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, юртимизда илк бор Жамоатчилик кенгаши халқаро форуми ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалға оширилаётган ислохотлар кенг жамоатчилик, шу жумладан, хорижий ҳамжамиятлар эштиборида. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати бугунги фаол жараёнларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан еритилишиға қўмақлашни мақсадига Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг июль-август ойларида интернет ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари учун тренинглар ташкил этиди. Унда жами 120 дан зиёд журналист, блогер ва матбуот хизмати вакиллари иштирок этиди. Шунингдек, лойиха доирасида Барча журналистик ҳамжамиятлар эркин фойдалана олиши учун Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси ишлаб чиқилди.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фуқаролик жамияти институтларининг вакили сифатида йил давомида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилги” Давлат дастурининг ўз вақтида баҳарлишини, шунингдек, ҳудудий ва инвестиция дастуруларининг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик мониторинги тадбирларини ўтказди.

Жамот ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳ Қоракөлпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўргани олиб борди. Тадбирлар давомида ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви билан таъминланган ишоотлари, ички ва магистрал йўллари қурилиши, уларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш каби қатор муҳим бандлар ижросига алоҳида эштибор қаратилди.

Қўндалик турмушда учрайдиган муаммонларни аниқлаш ва ҳал қилиш юзасидан фуқаролар фикрини ўрганиш мақсадига БМТнинг Ўзбекистондаги ватанотхонаси билан ҳамкорликда Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида 28 маслаҳат учрашуви ўтказилди.

Бугунги ўзгаришларни таҳлил қилиш, турли соҳаларни ривожлантиришға йўналтирилган янги тақдирлар ишлаб чиқиш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Шу мақсадда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг экспертлик платформаси лойихаси доирасида қатор долзарб масалаларға бағишланган муҳокамалар ўтказилди. Учрашувларда етакчи маҳаллий ва хорижий экспертлар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, парламент аъзолари иштирок этиди. Лойиха доирасида Марказий Осие, Европа ва Америка илмий-тадқиқот марказларининг 50 га яқин эксперти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

– “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан бирга қатор ижобий ишларни амалға оширди, – деди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойихачиси мувофиқлаштирувчиси Жон Макгрегор, – Ҳамкорлигимиз натижасида кучи кеча бўлиб ўтган сайёҳларда фуқаролар кўтаринки руҳ билан қатнашгани, жараёнларда фаол иштирок этганига ҳам намоеён бўлди.

2019 йил август ойида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ташаббуси билан интернет тармоғида “Jamotchi” онлайн-платформаси ишла тушурилди. Саҳифанинг асосий мақсади фуқаролар билан давлат органлари ўртасида мулоқотнинг самарали механизминини яратиш, уларни давлат ва жамият бошқарувиға жалб қилишға қўмақлашни, жамият ривожига хизмат қилувчи тақдирларни қабул қилиш ҳисобланади.

Мазкур платформа орқали долзарб воқеа ва ҳодисалар юзасидан давлат идоралари раҳбарларини тезкор хабардор қилиш, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда қонунчиликни тақомиллаштиришға қаратилган тақдирларни тақдим этиш имкони яратилди. Ўтган вақт мобайнида платформага турли мазмундаги 800 дан зиёд тақлиф келиб тушди.

БМТнинг Болалар жамғармаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Ешлар овоғи муҳим” лойихаси амалға оширилди. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фаол йигит-қизлар ўз лойихаларини тақдим этиди. Шу тариха ёшлар ва маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари ўртасида очик мулоқот ўрнатилиши эришилди.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати экологик муаммонларға бефарқ эмас. Шу боис, қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда дархатларнинг кесилиши ва иқлим ўзгаришиға қарши қурашиш мақсадига илк бор “Бир миллион дархат” акцияси ташкил этилди. Акция 24 октябрь куни Нукус шаҳрида бошланди ва мамлакатимизнинг 8 ҳудудиде 1,5 миллион туп мевали-манзарали дархат кўчати экилди. Ушбу лойихани анъанавий тарзда йилгича икки мартаба – куз ва баҳор фаслида ўтказишға қарор қилинди.

2019 йилнинг 8 февраль куни ҳаракат томонидан “Фуқаролик ташаббуслари” форуми ташкил этилди. Анжуманда ислохотларни амалға оширишда фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятидан умумли фойдаланиш, давлат ва жамият бошқаруви ривожига қаратилган янги тақлиф ва ташаббусларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди, “Орамиздаги қаҳрамонлар” ижтимоий лойихаси амалға оширилди.

Бундан ташқари, фуқароларға сайловға оид файдали маълумот бериш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишға қаратилган “Янги Ўзбекистон – янги сайёҳлар” миллий акцияси ташкил этилди. Тадбирларда жами 280 мингга яқин аҳоли иштирок этиди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлариға сайлов арасида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан мунозара клуби ташкил этилиб, вазирлик, идоралар раҳбарлари, халқаро кузатувчилар, чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат муқтақилигининг 28 йиллик байрами арасида “#MenUchunQadrl” номли флешмоб ўтказилди. Флешмоб иштирокчилари ўзларининг Ўзбекистон билан боғлиқ – тарихий бий, жой ёки буюм, қизикарли воқеа, қўлга киритилган ютуқлар ва бошқа турли ҳодисалар акс этган фотосуратларини улаштириди. 10 кун давом этган оммавий тадбирда “Facebook” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларида 6 мингга яқин фотосурат жойланди.

Шунингдек, фуқароларнинг ислохотларда бўлган дахдорлик ҳиссини ошириш мақсадида интернет тармоғида қонунчиликдаги ўзгаришларға, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлариға сайлов жараёниға бағишланган 200 дан зиёд инфографика жойлаштирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси янги мажлиси муҳокамалари онлайн тарзда ижтимоий тармоқлар орқали еритиб борилади.

Айтиш жоиз, мазкур лойихалар “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан фаол фуқаролар, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари сайёҳаракатларини йўғнаштириш натижасида амалға оширилди.



Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг омалаштириш, ёшларнинг олимпия спорт турлари, жумладан, регби билан шуғулланиши учун зарур шароитлар ва инфратузилма яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Регби юртимизда жадал ривожланган спорт турлари сирасига киради. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон регби федерацияси ташкил этилиб, унинг ҳудудий бўлинмалари фаолият юритмоқда. Регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осие минтақасидаги энг кучли саккизта жамоадан бири ҳисобланади. У турли нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили эркеклар ва аёллар жамоалари ўртасида регби-7 бўйича чемпионатлар, мамлакат кубоги, 20 ёшгача бўлган ёшлар (эркеклар ва аёллар), 18 ёшгача бўлган ўсмирлар, қадетлар ва 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида чемпионатлар ўтказилади. Болалар ўртасидаги турли фестиваллар ҳам шулар жумласидандир.

Спорт ЮТУҚЛАР УЛКАН, БИРОҚ МУАММОЛАР ҲАМ БОР

2019 йилда регби-7 (олимпия тури) бўйича Ўзбекистон чемпионатида 13 та эркек ва 7 та аёллар жамоалари иштирок этди.

Спорт

Ўзбекистонда регби спорт тури 1969 йилда пайдо бўлган. Тошкент политехника институти ҳузурида "Политехник" номи илк жамоа рўйхатга олинган. Аста-секин 1970-1975 йилларда "Локомотив", "Старт", "Спартак", "Қурувчи" (Тошкент), "Нефчи", "Машъал" (Фарғона), "Шават" (Ургач), сингари бошқа жамоалар ҳам пайдо бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, 2001 йил регби спорт тури учун қайта туғилиш даври бўлди. Регби бўйича Тошкент шаҳар федерацияси ташкил этилди. Уша пайтда Жиззах, Янгиер, Тўрақўрғон, Чирчиқ ва Самарқандда ҳам жамоалар тузилди.

2002 йилдан буён регби бўйича аёллар терма жамоаси Осие чемпионатларида мунтазам иштирок этмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон аёллар жамоалари ўртасида Осие чемпионатини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Унда юртимиз терма жамоаси вакиллари қўшимча вақтда Гонконгнинг кучли жамоаси билан бронза медални учун ўтган курашда мағлуб бўлиб, тўртинчи ўринни қўлга киритди.

2006 йилда Ўзбекистон регби федерацияси Осие регби иттифоқи (Asia Rugby)нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. 2014 йил 14 майдан бошлаб мамлакатимиз Халқаро регби иттифоқи (World Rugby)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси саналади.

Ўзбекистон регби федерацияси ташкил этилганидан буён регби-7 бўйича эркеклар ва аёллар жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатлари ўтказиб келинади. 2011 йилдан бошлаб эса эркеклар жамоалари ўртасида регби-15 бўйича Ўзбекистоннинг мунтазам чемпионати қайта тикланди.

флик 2019-2022 йилларда республикада регбини янада комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур қарор ижроси доирасида Регби федерацияси ва манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан юртимизда ушбу спорт турини омалаштириш ва ривожлантириш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиби, қабул қилинди.

Ўтган вақт давомида Регби федерацияси хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураббийлар ва судьялар корпуси учун ўқув курсларини ташкил этди, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда Қуролли Қучлар очик чемпионатини ўтказди.

Бундан ташқари, Федерация томонидан спорт мактабларидаги бўлинмалар ва гуруҳларнинг хорижий ҳолати бўлинмалар кўшилди. Шу билан бирга умумтаълим ўқув муассасаларида регби секцияларини очиб ишлари олиб боришмоқда.

Олий ўқув юрларида "Талаба" спорт жамияти линияси бўйича эркеклар ва аёллар жамоалари ва клублари ташкил этилмоқда, улар мамлакатимиз ва олий таълим муассасалари ўртасидаги чемпионатларда иштирок этади.

Вилоят федерацияларининг фаолияти кучайтирилди, янги ҳудудий федерациялар очилди. Вилоятларда регбига жалб қилишга қаратилган GIR халқаро дастури бўйича оммавий тадбирлар ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари ва олий таълим талабалари учун регби машғулотларида доир ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун спорт базаси

бўлиши лозим. Ҳозирги кунда барча вилоятлар, жумладан, Тошкент шаҳрида регби машғулоти учун спорт базаларини мустаҳкамлаш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғида регби бўйича спорт базаси қурилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Соҳада мутахассисларни тайёрлаш жараёни қандай кечмоқда?

– 2019 йил декабрь ойига қадар мураббий кадрларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази орқали аттестациядан ўтказишнинг икки босқичли тизими мавжуд эди. Унга мувофиқ, 70 нафар мураббий мураббийлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олди.

2020 йил 1 январдан бошлаб мураббийлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига (шартнома асосда) берилди. Уқиш мuddати 3 ойдан 12 ойгача. Уқитиш кундуги шақлда олиб борилади.

– Миллий жамоамизга регбичиларни саралаб олиш қандай амалга оширилмоқда?

– Терма жамоа таркибига саралаш республика миқёсидаги мусобақалар, аниқроғи, Ўзбекистон чемпионати (I, II, III турлари), регби-7 бўйича эркеклар ва аёллар жамоалари ўртасидаги кубок, 20 ёшгача бўлган эркеклар ва аёллар, регби-7 бўйича 18 ва 16 ёшгача бўлган йигитлар ва қизлар жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатлари, регби-15 бўйича эркеклар жамоалари ўртасидаги мамлакат чемпионати натижалари асосида амалга оширилади.

– Регби бўйича халқаро мусобақаларда миллий терма жамоасини қандай ютуқларни қўлга киритмоқда?

– Регбичиларимиз 2008 йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. Хусусан, улар регби-7 бўйича эркеклар ва аёллар терма жамоалари, регби-7 бўйича 20 ва 18 ёшгача бўлган ёшлар, эркеклар ва аёллар терма жамоалари, регби-15 бўйича эркеклар терма жамоаларидир.

2008 йилда бўлиб ўтган Осие чемпионатида регби-7 бўйича аёллар терма жамоаси 3-ўринни қўлга киритганини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, спортчиларимиз бошқа қўллаб ютуқларни ҳам қўлга киритиб келмоқда.

Хозирги кунда барча жамоалар Осие минтақасидаги рейтингда 6-8-ўринни эгаллаб турибди.

– Терма жамоанинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Регбида асосий спорт жиҳози – бу коптоқлар ва спорт формаси ҳисобланади. Улар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади, хориждан ҳам келтирилади. Таъминот мутлақо молиялаштиришга боғлиқ. 2019 йилгача Регби федерациясини молиялаштириш қолдиқ тамойили асосида амалга оширилган. 2020 йилда давлатимиз раҳбарининг қароридан сўнг молиялаштириш асосида нафақат терма жамоалар, балки ҳудудий федерациялар ҳам зарур спорт жиҳозлари билан таъминланиши лозим.

– Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Миллий олимпия қўмитаси томонидан Федерацияга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?

– Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг федерациямизга ҳар томонлама эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарияти мамлакатимизда регбини ривожлантириш масалалари билан қизиқмоқда ва долзарб муаммоларни ҳал этишга қўмақлашмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳам федерациямизга катта эътибор қаратмоқда.

Жавоҳир ТОШҲУҲАЕВ сўхбатлашди

Кўргазма

АСАРЛАРДА САМАРҚАНД ЖИЛВАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Иқую Хираяма халқаро маданият карвон саройида самарқандлик rassom Абиб Исмоиловнинг "Мовий Самарқанд" номи шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмада ижодкорнинг 70 дан ортиқ энг сара асари намойиш қилинмоқда.

Абиб Исмоилов 1939 йилда Қрим вилоятининг Оқмачит туманида таваллуд топган. Унинг оиласи Ўзбекистонга кўчиб келганида rassom 5 ёшда эди. А.Исмоилов мактабни тамомлаб, П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган rassomлик мактаби (аввалги Республика ба-

дий санъат билим юрти)да тахсил олган. Ёш мусаввир пейзаж ва пленер (очик ҳавода тасвирлаш) санъати сирларини пухта ўрганди. Унинг ижоди юртимиздаги кўплаб аэропорт, музей ва комплексларни бегаган.

Абиб Исмоилов 1970 йилдан буён Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Мусаввир табиат гўзаллигини тасвирларга кўчиради. Рассомнинг



"Эрта келган баҳор", "Тоғ манзараси", "Тоғдаги булоқ", "Сўнги қор" каби кўплаб асарлари шулар жумласидандир. А.Исмоилов Самарқанднинг тарихий обидаларини жуда маҳорат билан чизган. "Регистон", "Шоҳи Зинда", "Мовий Самарқанд" каби асарларида "боқий сокинлик"ни бера олган. У пейзаж санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Бадий академиясининг дипломи билан тақдирланган.

Реклама ва эълонлар

Advertisement for BEKOR KILINADII, featuring a list of services and contact information for the Bekor Kilinadi company.

Advertisement for TOSHKENT RFBIRJA, providing details about the TOSHKENT RFBIRJA stock exchange and listing various services and contact information.

Тарбия

ИККИ ОИЛА: БИРИДА ЖИНОЯТЧИ, БИРИДА КАШФИЁТЧИ УЛҒАЙДИ

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Юртимизда ҳатто кичик ёшлар ҳам АКТ ва интернет тармоғидан кўп ва ҳўб фойдаланиши маълум. Хўш, бу каби ривожланиш ёшларга қандай таъсир кўрсатапти? Ёшнинг фойдаси-ю зарари қандай?

Азиз Абдулҳаев 17 ёшда. Ота-онаси ажрашган да у 12 ёшда эди. Шундан сўнг унинг феъл-атвориди ўзгаришлар кузатилади. Синф раҳбари, мактаб психологи унинг ота-онасига турмуш ўнатиришиди. Онаси фарзандининг тўла-тўқис уяшти, ўртоқларидан кам бўлишини, қорни тўқ, ушти бут бўлиши учун бор кучини сарфлади. Азизни синглиси билан бирга тоғасига қолдириб, хорижа ишлашга кетди. Аммо ўгли билан суҳбатлашишга, дўстлашишга вақт тополмади. Ота ўрнини босолмади. Йиллар уларни узоклаштирди. Буна онасини фақат моддий таъминлайдиган пул манбаси сифатида кўрди.

Ўғил қийинчиликсиз, моддий таъминотида муаммоларсиз улғайди. У ҳам тенгдошлари қатори интернетдан фойдаланарди. 15 ёшда маҳалладаги уйга рухсатсиз киргани учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг огоҳлантиришини олган. 16 ёшда турли интернет сайтларига кириб, пул ишлаб топиш мумкин, деган ёлгон хабарларга ишониб йўлдан адашди. Онасининг панд-насихатлари таъсир қилмади. У тақиқланган ташкилотларнинг ёлгонлари, алдовларига ишониб қолди. Шу билан катталарнинг битта хато қадами боланинг ҳаётини ёмон томонга ўзгартдириб юборди.

Сўхроб Ҳайдаров Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 4-умумтаълим мактабиди тахсил оларди ва шу билан бирга бўш вақтида ижтимоий тармоқлар орқали дастурлаш, робототехника йўналиши бўйича мустақил билим ола бошлади.

У оиланинг тўнғич фарзанди. Шу боисми, масъулиятни чуқур ҳис этади. Болалигидан синган ўйинчоқларини ўзи тузатишга уринарди. Боладаги қобилиятни пайкаган ота фарзандига янада кенгроқ фойдаланиши ўргатиб, қуриш ва ясаб бўйича видеороликлар кўришни тавсия қилди. Шу билан бирга Сўхроб 4 тилни – ўзбек, рус, инглиз ва корейс тилларини ўрганди.

Ота-онаси ўғилларига амал қилган Сўхроб ижтимоий тармоқлардан фойдали видеороликларни кўра бошлади. Робототехникага оид лавҳаларга кўндан-кўн қизиқиши ортиб борди. Ёшига ёш қўшилган сари ахборот технология соҳасига қизиқиб, нималарнидир ўйлаб топадиган бўлди, турли ихтиролар қила бошлади.

У 15 ёшда илк бор "Ақлли катак"ни ихтиро қилди. Бу янгилик товуқларни профессионал боқиб учун яратилганиги мутахассислар томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлган. Мазкур ихтиро Сўхробга яна янги марралар учун куч берди. "Робот Макс" каби ИТ лойиҳаларини ярата бошлади. Макс исмли робот инглиз, француз ва корейс тилларида эркин сўзлашиши, шу билан бирга, 7 ёшгача бўлган болаларга ушбу тилларни ўргата олиши билан эътиборга тушди.

Аста-секин қатор робототехника олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларида қатнашган Сўхроб Ҳайдаров фахрли ўринларни эгаллади. 2018 йилнинг октябрь ойида "Иқтидорли ёшлар форуми"да ўз йўналиши бўйича ва "Youth techno art-2018" республика танловида "Робототехника" йўналишида 1-ўринни эгаллаб, халқаро "Youth techno art-2019" фестивал-танловда қатнашиш учун йўланмаини қўлга киритди.

Венгриянинг Дьор шаҳрида 2019 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган WRO 2019 халқаро робототехника олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, EDUTUS университетиди 100 фойзлик имтиёзли грант асосида ўқиш имконига эга бўлди. Youth techno art-2019 халқаро робототехника олимпиадасида ҳам голиб бўлди.

Хозир Сўхроб Ҳайдаров ёш бўлишига қарамай, Навоий вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган "Ёш олимлар клуби"га раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, у "IT PARK" ҳузуридаги "Рақамли технологиялар маркази"да "Робототехника" бўйича ментор вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Болани тўғри йўналтириш асосан ота-онага боғлиқ. Ижобий оилавий муҳит, таълим муассасаси, педагогнинг маҳорати билан ҳар бир ёш ўз салоҳиятини юзага чиқариши мумкин. Аммо ҳаёт синовлари тўсиқларга тўла. Шу билан бирга имкониятлар ҳам мавжуд. Танловни ҳар қимнинг ўзи амалга оширади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

Footer section containing contact information for Toshkent Oqshom, Bekor Kilinadi, and other services, along with a barcode and publication details.